

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**

**ЖЎРАЕВ ШУКУРИЛЛО РАХИМОВИЧ**

**МУҲАММАД ШАЙБОНИЙ АСАРЛАРИДА ХАЛҚАРО  
МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**24.00.03 – Фикҳ, калом илми. Илоҳиёт**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Content of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)  
on Historical Sciences**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD)  
по историческим наукам**

**Жўраев Шукурилло Рахимович**

Муҳаммад Шайбоний асарларида халқаро муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари.....3

**Juraev Shukurillo Rakhimovich**

The peculiarities of the regulation of international relations in the works of Muhammad Shaibani.....23

**Жураев Шукурилло Рахимович**

Особенности регулирования международных отношений в произведениях Мухаммада Шайбани.....41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

list of published works  
Список опубликованных работ.....46

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**

**ЖЎРАЕВ ШУКУРИЛЛО РАХИМОВИЧ**

**МУҲАММАД ШАЙБОНИЙ АСАРЛАРИДА ХАЛҚАРО  
МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**24.00.03 – Фикҳ, калом илми. Илоҳиёт**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Tar893 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ([www.iiaw.uz.uz](http://www.iiaw.uz.uz)) ҳамда «ZiyoNET» ахборот–таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz))да жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Юсупова Нигора Жалолиддин қизи**  
юридик фанлар доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Ражабова Мавжуда Абдуллаевна**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Нажмиддинов Зафар Хошимжонович**  
тарих фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат шарқшунослик университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» сентябрь соат \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: [info@iiaw.uz](mailto:info@iiaw.uz))

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (99-рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11- уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: [info@iiaw.uz](mailto:info@iiaw.uz))

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» августда тарқатилди.

(2022 йил 11 августдаги 7 рақамли реестр баённомаси.)

**Д.Р.Махсудов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тарих фанлари доктори (DSc), доцент

**С.А.Рустамий**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари доктори (DSc), доцент

**З.М.Исламов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда мусулмонларнинг 47 фоизини ташкил этувчи ҳанафий мазҳаби вакиллари учун ибодат (العبادة) ва муамалот (المعاملات) фикҳида Муҳаммад Шайбонийнинг (132/749-189/805) асарлари асос вазифасини ўтайди. Ўрта асрлар ислом давлатларида халқаро муносабатлар (السير) тизимини шакллантиришда Шайбоний асарлари энг мўътабар манбалар сифатида қабул қилинган. Олимнинг асарлари аббосийлар, темурийлар, усмонийлар каби йирик сулолаларнинг халқаро муносабатларга оид ҳуқуқий нормалари учун асос вазифасини ўтаган. Шайбонийнинг халқаро муносабатларга оид асарларига ўн икки аср давомида фақиҳлар томонидан бир неча шарҳлар ёзилгани ҳам ушбу асарлар аҳамиятининг юксаклигидан далолат беради. Шу жиҳатдан, Муҳаммад Шайбоний асарларида келтирилган халқаро муносабатларнинг фикҳий, ижтимоий ва дипломатик йўналишдаги қарашларини ёритиб бериш долзарб аҳамиятга эга.

Дунёдаги илмий-тадқиқот марказларида ислом ҳуқуқининг халқаро муносабатларга доир қоидаларини атрофлича ўрганиш ва уларнинг мазмун-моҳиятини очиш бериш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу жараёндаги тадқиқотлар давлатлараро муносабатлар (العلاقات الدولية), динлар ва миллатлар ўртасидаги ўзаро бир-бирини тушунишга қаратилган изланишлар (التسامح), турли низоларнинг олдини олиш, аҳоли миграцияси (الهجرة البشرية), халқаро гуманитар қоидаларни (القانون الدولي الإنساني) такомиллаштириш, аёллар, болалар ва кексаларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш каби йўналишларда амалга оширилмоқда. Ушбу илмий изланишларда халқаро муносабатларнинг замонавий муаммолари билан бир қаторда уларнинг тарихий асосларини ёритишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистонда миллатлараро ва динлараро тотувлик анъаналарини мустаҳкамлаш борасида ислом ҳуқуқи манбалари ва улардаги тинчликпарварлик ғояларини ўрганишга кенг имкониятлар яратилмоқда. Бунинг натижаси сифатида олимлар томонидан: Бурҳониддин Марғинонийнинг “ал-Ҳидоя” (الهداية – “Тўғри йўл”), Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Маҳмуд Уструшанийнинг “Жомий аҳком ас-сиғор” (جامع أحكام الصغار – “Бола ҳуқуқлари кодекси”), “Исломда соғлом бола тарбияси”, “Кифоя”, “Фикҳий йўналишлар ва китоблар”, “Ҳанафий фикҳидан савол-жавоблар” каби китоблар нашр этилди. Ҳанафий фикҳининг назарий асосларини ишлаб чиққан олим Муҳаммад Шайбонийнинг илмий меросидаги динлараро бағрикенглик, урушларнинг олдини олиш, тинчликни асраш, элчилик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма

манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ислом ҳуқуқида, хусусан, Муҳаммад Шайбонийнинг асарларида халқаро муносабатларни тартибга солиш билан алоқадор масалалар Ғарб ва Шарқ олимлари томонидан кенг миқёсда тадқиқотларга жалб этилган.

Европалик олимлардан М.Хаддурий, Х.Башир, А.Довуди, Ж.Эспозито, Ж.Жонсон, Мари-Луиза Фрик<sup>1</sup> кабилар ислом ҳуқуқида уруш ва тинчлик масалалари, мусулмон давлатчилиги ва халқаро муносабатлар тарихи борасида тадқиқотлар олиб борганлар. Жумладан, англиялик профессор Холид Рамазон Башир ўзининг “Ислом халқаро ҳуқуқининг тарихий асослари ва Шайбонийнинг Сияри” номли рисоласида халқаро муносабатларга оид тарихий манбалар, уруш ва тинчлик, сулҳ қоидаларининг мазмунини очиб беришга ҳаракат қилган. Шундай бўлса-да, ушбу асарда классик диний манбаларда келтирилган халқаро муносабатлар билан боғлиқ жиҳатларга эътибор қаратилмаган.

Шарқ мусулмон олимларидан Ваҳба Мустафо Зуҳайлий, Анке Иймон Боузенита, Усмон Жумъа Замирий, Муҳаммад Дасуқий, Муҳаммад Мунир, Муҳаммад Содик Афифи, Исрофил Балчи, Айтен Вахапоглу Эрол<sup>2</sup> ва бошқалар Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг ислом фикҳидаги роли ҳамда олим илмий меросини ёритиб беришга ҳаракат қилганлар. Малайзия халқаро ислом университети профессори Анке Иймон Боузенита ислом илмлари бўйича машҳур олим Абдуррахмон Авзойининг ислом халқаро ҳуқуқи –

---

<sup>1</sup> Bashir K. Islamic International Law Historical Foundations and Al-Shaybani’s Siyar. – Aberdeen: The University of Aberdeen, 2018; Khadduri M. The Islamic Law of Nations: Shaybani’s Siyar. – Maryland: Johns Hopkins University Press, 1966; Dowudi A. The Islamic Law of War. – New York: Macmillan, 2011. – 338 p.; Esposito J. Unholy War. Terror in the name of Islam. – Washington: Audible Studios. – 2014; Johnson J. The Holy War Idea in Western and Islamic Traditions. – Pennsylvania: Pennsylvania State University Press, 1997.

<sup>2</sup> Зуҳайли В. Ал-Алақат ад-давлия фил ислам муқаранатан бил қанун ад-дували ал-ҳадис. – Байрут: Ар-Рисала, 1997; Дасуқий М. Ал-Имам Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбоний ва асаруҳу фил фикҳил ислам. – Доҳа: Дор ас-сақофа, 1987; Замирия У. Усул ал-алақот ад-дувалия фи фикҳ ал-Имам Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбоний – Аммон: Дор ал-маъолий, 1999; Munir M. Suicide Attacks and Islamic Law // International Review of the Red Cross, Vol. 90, No. 869, March 2008, – P. 71-89.; Афифи М. Ал-Алақат ад-дувалияту фил ислам. – Қоҳира: Мактабатул Хонжий, 1982; İsrail B. Hz. Ömer Döneminde Diplomasi. – Ankara: Ankara Okulu, 2006; Ayten E. Karşılaştırmalı İslâm Milletlerarası Özel Hukuku. . – İstanbul: İz Yayıncılık, 2014.

сиярдаги ўрнини тадқиқ қилган ва бу борада Шайбонийнинг таъсирини қисман ёритиб ўтган. Мисрлик профессор Дасуқий эса Шайбонийнинг илмий меросини тадқиқ этиш жараёнида, олимнинг халқаро муносабатларга доир асарлари ҳақида ҳам қисман тўхталиб ўтган.

Рус ва собиқ иттифоқ олимлари В.Бартольд, О.Большаков, З.Буниятев, П.Грязневич, И.Крачковский, М.Пиотровский ва А.Халидовнинг асарларида асосий эътибор мусулмон давлатчилигининг тарихий ривожланишига қаратилган<sup>3</sup>. Шу билан бирга, ушбу тадқиқотларда Муҳаммад Шайбонийнинг фаолиятига ҳам қисман тўхталиб ўтилган.

Ўзбекистонда А.Саидов, А.Ҳасанов, Ж.Тошқулов, А.Жузжоний, Қ.Заҳидов, З.Шокирова, А.Юнусов, Н.Ибрагимова, А.Тўйчибоев каби олимлар томонидан илк мусулмон давлатчилигининг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий тарихини ёритувчи бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, тадқиқотчи А.Тўйчибоев томонидан Имом Сарахсийнинг Муҳаммад Шайбоний асарларини тадқиқ этиши билан боғлиқ туркум мақолалар эълон қилинган<sup>4</sup>. Н.Ибрагимова эса, “VII-XII асрларда Мовароуннахрнинг Яқин Шарқ мусулмон давлатлари билан элчилик муносабатлари” номли тадқиқотида ислом ҳуқуқида “элчи” тушунчаси, элчи лавозимига қўйилган талаблар, Уммавийлар ва Аббосийлар ҳукмронлиги даврида элчилик муносабатларининг йўлга қўйилиши каби масалаларда сўз юритган.

Юқоридаги изланишлардан фарқли равишда ушбу диссертацияда Муҳаммад Шайбонийнинг ислом ҳуқуқи ривожигаги ўрни ҳамда олим асарларининг мусулмон давлатчилиги тарихида халқаро муносабатларни тартибга солишдаги илмий-амалий аҳамияти очиб берилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида 2020-2022 йилларда бажарилган ФЗ-202002146 – “Марказий осие мутафаккирлари асари асосида

---

<sup>3</sup> Қаранг: Путешествие ибн Фадлана на Волгу / перевод и комментарии под ред. Крачковского И. – Москва: Академия наук СССР, 1939; Беляев Е. Арабы, ислам и Арабский халифат в раннее средневековье. – Москва: Наука, 1966; Грязневич П. Формирование арабской народности раннего средневековья / Ислам. Религия, общество, государство. – Москва: Главная редакция восточной литературы, 1984; История ат-Табари / Пер с араб. Беляева В. с допол. Большаков О., Халидова А. – Тошкент: Фан, 1957; Бартольд В.В. Ислам. Культура мусульманства. Мусульманский мир. – Москва: Книжный клуб Кничовек, 2012; Бунятов З. Государство Харезмшахов Ануштегинитов (1097-1231). – Москва: Главная редакция восточной литературы, 1986.

<sup>4</sup> Жузжоний А. Ислам ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазхаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2002; Ҳасанов А. Қадимги Арабистон ва илк ислом: I китоб. Жоҳилия асри. – Тошкент, 2001; Тошқулов Ж. Исламда халқаро муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари. – Тошкент: Complex Print, 2021; Заҳидов Қ. Илк ислом давлатчилиги ва унинг шаклланиш жараёнлари (632-661йиллар) Тар.фан.ном...дисс.автореф. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2005; Шокирова З. Илк исломда сулҳпарварлик тамойилларининг тарихий-қиёсий таҳлили. Тар.фан.ном...дисс. – Тошкент, 2012; Юнусов А. Халқаро ҳуқуқнинг араб доктринаси. Юрид. фан.ном...дисс.автореф. – Тошкент, 2010; Ибрагимова Н. VII-XII асрлар ислом тарихига оид манбаларда Мовароуннахр ва Яқин Шарқ элчилик алоқалари. Тар.фан.ном.бўй.фал.док...дисс.автореф. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2019; Тўйчибаев А. Исламдаги халқаро ҳуқуқ масалалари // Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2011. №2. – Б. 184-186; Ўша муаллиф. Ислам халқаро ҳуқуқининг келиб чиқиши ва ривожланиши. // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. №3. – Тошкент, 2012. – Б. 120-124; Ўша муаллиф. Сарахсийнинг дипломатия ҳақидаги тушунчаси. // Нежмиддин Эрбакан университети иккинчи Халқаро талабалар ижтимоий фанлар конгресси материаллари, 2016. – Коня, Туркия.

бузғунчи ғояларга қарши курашнинг маърифий, тарбиявий кураш асосларини ўзида жамлаган мультимедия дастури ҳамда мобиль иловасини яратиш” мавзуидаги илмий лойиҳа доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Муҳаммад Шайбоний асарларида халқаро муносабатларни тартибга солишдаги ўзига хос жиҳатларни очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

илк ислом даврида халқаро муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари ҳамда шу йўналишда ёзилган асарларни таснифлаб бериш;

фиқҳ илмида халқаро муносабатлар тушунчаси ва унинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиш;

ислом ҳуқуқида халқаро муносабатларга доир асарлар ва уларнинг хусусиятларини белгилаш;

Муҳаммад Шайбонийнинг асарларида халқаро муносабатларга оид масалаларни тавсифлаш ва тартибга солишдаги методларни аниқлаш;

олим асарларида халқаро муносабатлар иштирокчиларининг таснифланишига оид жиҳатларни кўрсатиб бериш;

Муҳаммад Шайбонийнинг ҳудуд ва чегара тушунчасига доир қарашларини очиб бериш;

Муҳаммад Шайбоний асарларининг дипломатик муносабатлар шаклланиши ва ривожланишидаги ўрнини аниқлаш;

“ас-Сияр ал-кабир” асаридаги урушларнинг олдини олиш ва тинчликни асрашга қаратилган муносабатларни ёритиб бериш ҳамда улардан унумли фойдаланиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** Муҳаммад Шайбонийнинг халқаро муносабатларга оид асарлари\* ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида Муҳаммад Шайбоний асарларидаги турли дин вакиллари ўртасидаги алоқалар, дипломатик муносабатлар, урушларнинг олдини олиш ва тинчликни таъминлашга қаратилган масалалар олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, абстрактлаштириш, хронологик, матнларни контент-анализ қилиш ва қиёслаш усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

“ас-Сияр ал-кабир” (السير الكبير) асарида зиммийлар (أهل الذمة – мусулмонлар ҳимоясидаги ғайридинлар) қаторига аҳли китоб (أهل الكتاب – самовий китоб берилган яҳудий ва насронийлар)дан ташқари, VIII-IX асрларда яшаган бутпараст ва оташпарастларнинг ҳам киритилиши ҳамда ушбу қоидалар аббосий ҳукмдор ва қозилар томонидан қабул қилингани натижасида жамиятда динлараро тотувлик муҳитининг сақланишига хизмат қилгани очиб берилган;

---

\* Муҳаммад Шайбонийнинг ислом ҳуқуқида халқаро муносабатларга бағишланган “ас-Сияр ал-кабир” ва “ас-Сияр ас-сағир” асарлари тадқиқот объекти сифатида олинган.

Муҳаммад Шайбонийнинг “ас-Сияр ас-сағир” ва “ас-Сияр ал-кабир” асарларининг аббосийлар халифалиги халқаро муносабатларида бирламчи манба сифатида эътироф этилишига асосий сабаб халифа Ҳорун ар-Рашиднинг аллома ҳузурида бўлажак шахзодаларнинг ушбу китоблардан таълим олиш тизимини жорий этгани билан исботланган;

Муҳаммад Шайбонийнинг уруш пайтида болалар, аёллар, кексалар ҳамда ўзини дин хизматига бағишлаган роҳиб ва зоҳидларнинг дахлсиз ҳисобланиши, уларга нисбатан қурол кўтарилмаслиги борасидаги қарашлари асосида низоли вазиятларда тинч аҳолини асрашга қаратилган халқаро гуманитар ҳуқуқ тамойиллари ислом ҳуқуқида VIII асрдаёқ шаклланигани аниқланган;

Муҳаммад Шайбоний томонидан фикҳ илмига киритилган “дорул аҳд” (دار العهد – номусулмон давлатлар билан тузилган тинчлик келишуви) тушунчасининг тинчликпарварлик моҳияти замирида диний тафовут сабабли “душман” деб қабул қилинган давлатлар билан ҳам шартномавий келишув асосида тинч-тотув яшаш тамойили илк ислом давлатчилигида мавжуд бўлгани асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

“Ҳудайбия шартномаси” (معاهدة الحديبية) зоҳиран мусулмонлар зиёнига ишлагандек бўлса-да, урушнинг олдини олиш мақсадида, Муҳаммад (а.с.) томонидан бу битимнинг имзоланиши тинч-тотувлик ислом дини ривожига учун ҳар доим муҳим омил эканига далил бўлиши очиқ берилган;

Ислом ҳуқуқидаги “дорул ислом” (دار الإسلام) ва “дорул куфр” (دار الكفر) билан боғлиқ қоидалар бузиб талқин қилиниши натижасида айрим шахсларда мутассиблашув жараёни кузатилаётган ҳозирги даврда ҳанафийлик мазҳабининг етук намояндаси Муҳаммад Шайбоний асарларидаги динлараро бағрикенглик ва ҳамжиҳатликка оид масалалар илмий-назарий жиҳатдан ёритиб берилган;

Муҳаммад Шайбоний асарларида баён қилинган урушларнинг олдини олиш, динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, ҳар бир масалага илм асосида ёндашиш зарурлиги ҳақидаги ғоялар мазмунини таълим ва тарбия жараёнида талаба-ёшлар онгига сингдириш лозимлиги далилланган;

олим асарларида VIII асрда белгилаб берилган элчиларнинг ҳаёти, оиласи ва мол-мулкининг дахлсизлик ҳуқуқига доир масалалар 1961 йилда қабул қилинган “Дипломатик муносабатлар тўғрисидаги Вена Конвенцияси” тамойиллари билан ҳам алоҳида таъкидлангани асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертацияда бугунги кунда тарих фанида эътироф этилган ёндашув ва усулларнинг қўллангани, мавзуга дахлдор бўлган бирламчи манбалардан фойдаланилгани, тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг ваколатли давлат ва нодавлат идоралари томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади. Шу билан бирга, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро илмий, илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги илмий нашрларда чоп этилгани билан ҳам белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, улардан исломда халқаро муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари, моҳиятини ўрганиш бўйича илмий-назарий билимларни бойитишда, фикҳий манбаларнинг таҳлили асосида олинган натижалар кўп конфессияли жамиятларда диний бағрикенгликни мустаҳкамлашга оид илмий концепцияни, соҳага доир услубий ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, ушбу натижалардан олий ва ўрта махсус дунёвий ҳамда диний билим юртларида ўқитиладиган “Ислом ҳуқуқи”, “Исломшунослик”, “Фикҳ” каби фанлар мазмунини янги назарий ишланмалар билан бойитиш, соҳага оид факультатив дарслар, семинар машғулоти ва махсус курсларни ишлаб чиқишда, шунингдек, таълим муассалари, жойларда фуқаролар ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий тарғибот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Муҳаммад Шайбоний асарларида халқаро муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

Муҳаммад Шайбоний томонидан фикҳ илмига киритилган “дорул аҳд” (دار العهد – номусулмон давлатлар билан тузилган тинчлик келишуви) тушунчасининг тинчликпарварлик моҳияти замирида диний тафовут сабабли душман деб қабул қилинган давлатлар билан ҳам, шартномавий келишув асосида тинч-тотув яшаш тамойили илк ислом давлатчилигида мавжуд бўлгани ҳақидаги хулосалар Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази буюртмаси асосидаги “Долзарб раддиялар” ва “Мутаассибликка қарши мўътадиллик” деб номланган қўлланмалар мазмунига сингдирилган. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 24 февралдаги 02-03/1262-сон далолатномаси). Натижада, бу Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний асарларида илгари сурилган ғоялар динлараро тотувлик тамойилининг тарбиявий аҳамиятини кўрсатишга оид таҳлилларни амалга ошириш учун хизмат қилган;

диссертациядаги “ас-Сияр ал-кабир” (السير الكبير) асарида зиммийлар (أهل الذمة – мусулмонлар ҳимоясидаги ғайридинлар) қаторига аҳли китоб (أهل الكتاب – самовий китоб берилган яҳудий ва насронийлар)дан ташқари, ўша даврда яшаган бутпараст ва оташпарастларнинг ҳам киритилиши ҳамда ушбу қоидалар аббосий ҳукмдор ва қозилар томонидан қабул қилингани жамиятда динлараро тотувлик муҳитига сабаб бўлганига оид берилган илмий хулосалар Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг буюртмаси асосида тайёрланган “Маърифат гулшани” ва “Маърифат зиёси” қўлланмалари мазмунига сингдирилган. (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2022 йил 28 февралдаги 500-сон далолатномаси). Натижада, бу фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралар иш жараёнида диний бағрикенглик, динлараро, миллатлараро низоларнинг олдини олишда ҳамда бош имом-хатибларнинг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиларининг фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилган;

диссертация ишида Муҳаммад Шайбонийнинг “ас-Сияр ас-сағир” ва “ас-Сияр ал-кабир” асарлари аббосийлар халифалигининг халқаро муносабатларида бирламчи манба сифатида эътироф этилишига асосий сабаб аббосий ҳукмдори Ҳорун ар-Рашиднинг аллома ҳузурида бўлажак шаҳзодаларни ушбу китоблардан таълим олиш тизимини жорий этганига доир фикхий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармасининг буюртмаси асосида чоп этилган “Жиҳодчилар экстремистик оқимининг вужудга келиши: мақсад ва вазифалари” номли услубий ҳамда “Муҳим савол-жавоблар” номли ўқув қўлланмаларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармасининг 2022 йил 19 февралдаги 17/2-371-сон далолатномаси). Натижада, бу экстремизм ва терроризм каби жиноятларга қарши кураш, бундай жиноятларнинг давлатчилик тараққиёти, жамият ва шахс ҳаётига хавф солувчи оқибатларининг диний жиҳатларини жамоатчиликка тушунтириш, мазкур масалалар юзасидан фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини, диний билимларини юксалтиришга хизмат қилган;

Муҳаммад Шайбонийнинг уруш пайтида болалар, аёллар, кексалар ҳамда ўзини дин хизматига бағишлаган роҳиб ва зоҳидларнинг дахлсиз ҳисобланиши, уларга нисбатан қурол кўтарилмаслиги борасидаги қарашлари асосида низоли вазиятларда тинч аҳолини асрашга қаратилган халқаро гуманитар ҳуқуқ тамойиллари ислом ҳуқуқида VIII асрдаёқ шаклланишига оид хулосалардан “Ўзбекистон тарихи” телеканали томонидан эфирга узатилган “Буюк юрт алломалари” номли тизимли кўрсатув сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2022 йил 02 февралдаги 06-31-231-сон далолатномаси). Натижада, бу жаҳон илм-фани ва ислом маданияти тамаддунига ҳисса қўшган алломаларимизнинг илмий меросларида илгари сурилган ёшлар маънавияти, таълим-тарбиясини юксалтиришга хизмат қилувчи инсонпарварлик, тинчликсеварлик, маърифатпарварлик ғояларини тарғиб этиш орқали жамият маънавиятини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 10 та илмий анжуман ва конференцияларда, шу жумладан, 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та, хорижий журналда 1 та мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ҳамда фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 146 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, ўрганиш объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ислом ҳуқуқида халқаро муносабатларни тартибга солишнинг илмий-назарий масалалари”** деб номланган биринчи боби учта параграфдан иборат бўлиб, унда илк ислом даврида халқаро муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланиши, фикҳий истилоҳга кўра, “халқаро муносабатлар” тушунчаси ва унинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда ислом ҳуқуқида халқаро муносабатларга доир асарлар таҳлил қилинган.

Биринчи бобнинг биринчи параграфи *“Илк ислом даврида халқаро муносабатларнинг шаклланиши жараёнлари”* деб номланиб, унда илк ислом тарихида халқаро муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари таҳлил қилинган. Ушбу даврда халқаро муносабатларнинг шаклланиши Мадина даври билан бевосита боғлиқдир. Мадинада мусулмонлар давлатчилигининг ташкил топиши арафасида, хижрий биринчи (623) йилда Мадинада яшаган туб қабила вакиллари – Авс, Хазраж ва яҳудий жамоалари ҳамда муҳожирлар\* ўртасида ҳамжиҳатликни таъминлаш мақсадида ўзаро келишув шартномалари тузилган эди<sup>5</sup>. “Ас-Саҳифа” (الصفحة) ёки “Мадина конституцияси” (دستور المدينة) деб юритилган мазкур аҳдноманнинг матни манбаларда<sup>6</sup> сақланиб қолган бўлиб, унинг мазмуни бугунги кундаги халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойилларига ҳам мувофиқ экани билан эътиборлидир. VII аср бошларида тузилган дини ва миллати турлича бўлган қабилаларни тинчлик ва умумий манфаатлар йўлида бирлаштирган мазкур шартнома мусулмонлар томонидан халқаро муносабатларни тартибга солишдаги муҳим кадам ҳисобланган. Зеро, тузилган шартнома қабилавий низолар авж олган Мадина шаҳрида узок йиллар давомида тинчлик ҳукм суриб, турли динларга эътиқод қилувчи ва ўзаро бир-бирига рақиб бўлган қабилаларни сиёсий жиҳатдан бирлаштиришга хизмат қилган.

\* Макка шаҳридан Мадинага хижрат қилиб келган мусулмонлар.

<sup>5</sup> Большаков О.Г. История Халифата. – Москва: Главная редакция восточной литературы, 1989. Т.1. – С.92.; Жалолиддин Суютий. Тарих ал-хулафо / таржимон Абдуллох Шокиров. – Тошкент: Шарқ, 2020. – 472 б.; Шайх Рамазон ал-Бутий. Сийратни англаш / Арабчадан Зиёвуддин Мансур таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2020. – 448 б.; Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ислом тарихи. – Тошкент: Hilol-Nashr, 2021. – 512 б.; Муҳаммад Камол. Пайғамбарлар тарихи. – Тошкент: Сано-стандарт, 2018. – 184 б.; Муҳаммад Зако Кўнрапа. Пайғамбаримиз (соллалоҳу алайҳи ва салам) ва ислом тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2018. – 368 б.; Умматалиев С. Ислом тарихидан олтин саҳифалар. – Тошкент: Ўқитувчи, 2021. – 296 б.

<sup>6</sup> Ибн Хишом. Ас-Сира ан-набавия. – Байрут: Муассаса ал-маъориф, 1993. Т.1. – 505 б. (Бундан кейин: Ибн Хишом).

Мусулмон давлатчилигининг дастлабки даврида тузилган бу ахднома ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Жумладан, БМТ томонидан эътироф этилган “Марокаш декларацияси” ва “Жакарта декларацияси” (Нахдатул улама) бевосита мазкур шартнома асосида 2016 йилда қабул қилинган<sup>7</sup>.

Илк ислом даврида халқаро муносабатлар ривожига ўзига хос таъсир ўтказган ҳодиса – “Худайбия шартномаси” (معاهدة الحديبية) саналади. 628 йилда имзоланган бу шартнома натижасида, мусулмонлар билан Макка мушриклари ўртасида 10 йил давомида ўзаро жанжалсиз ва ҳамжиҳатликда яшаш бўйича аҳдлашилган. “Худайбия шартномаси”да Расулulloҳнинг пайғамбар экани Макка мушриклари томонидан инкор этилиб, мусулмонлар учун таҳқирли шартлар киритилган бўлса-да, исломда тинчликнинг аҳамияти улуғ эканини ҳисобга олиб, Муҳаммад (а.с.) бу битимни имзолаган. Ўз набатида, бу шартнома сабабли мусулмонларнинг хорижий давлатлар билан элчилик муносабатлари йўлга қўйилган<sup>8</sup>.

Муҳаммад (а.с.) вафотидан сўнг халифаликни бошқарган тўрт рошид халифалар даврида ҳам халқаро муносабатлар жадал ривожланган. Айниқса, бу даврда мусулмонлар давлати ҳудуд жиҳатдан кенгайди, турли дин ва миллатлар билан ҳамкорлик қилиш зарурати вужудга келган. Бу жараёнда ислом динида юксак қадрланган бағрикенглик тамойиллари мусулмонларнинг ўзга дин вакиллари билан ҳамжиҳатликда яшашларига замин яратган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ислом ҳуқуқида халқаро муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланишининг дастлабки босқичиданок, тинчлик, бағрикенглик ҳамда турли халқлар билан ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда турмуш кечириш ислом халқаро муносабатларининг бош ғояси бўлган.

“*Фиқҳ илмида халқаро муносабатлар тушунчасининг ўзига хос жиҳатлари*” деб номланган иккинчи параграфда ислом ҳуқуқида халқаро муносабатлар илми – “сияр” тушунчаси, келиб чиқиши ва фақиҳлар томонидан берилган таърифлар ёритилган. Бу тушунча араб тилида “سير” сўзининг ўзагидан олинган бўлиб, ўзбек тилида “юриш” ва “сайр қилиш” маъноларини англатади<sup>9</sup>. Истилоҳда эса, Муҳаммад (а.с.)нинг ҳаёт йўли, хусусан, жанглардаги иштирокини ифодалаган. Ислом ҳуқуқида халқаро муносабатларни ўзида ифода этувчи “сияр илми” билан дастлаб муҳаддис ва муаррихлар шуғулланганлар. Лекин улар ўз асарларида “сийрат” ёки “сияр” деб номланувчи тушунчадан, асосан, Пайғамбар (а.с.)нинг сиймоси, ҳаёти ва феъл-атворини ифодалашда фойдаланганлар. Тарихчилар орасида “Сийрати

<sup>7</sup> О Марракешской декларации и свободе вероисповедания и убеждений. <https://osce.usmission.gov/ru/on-the-marrakesh-declaration-and-freedom-of-religion-or-belief-statement-at-the-pc-ru/>

<sup>8</sup> Қаранг: Ибн Ҳишом. ас-Сира ан-набавия. – Байрут: Муассаса ал-маъориф, 1993. – Т. 3. – Б. 263-264; Табарий. Тарих ал-умам ва-л-мулук. – Қоҳира, 1982. Ж.2. – Б. 635; Қуръони каримнинг изоҳли таржимаси / Таржимон Алоуддин Мансур. – Бишкек: 2001; Қуръони карим: таржима ва илмий-тарихий изоҳлар. 1-китоб / Масъул муҳаррир М.Усмонов. – Тошкент: Фан, 2004; Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири Хилол / Тузатилган ва қўшимча қилинган иккинчи нашр. VI жилдли. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005-2007; Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2016.

<sup>9</sup> Ал-Муъжам ал-Васит. – Қоҳира: Мактаба аш-Шурук ад-дувалия, 2004. – Б.410

набавия” деб ном олган тарихий жанрда китоб ёзиш урф бўлган<sup>10</sup>. Хусусан, Ибн Ҳишом (ваф. 218/833 й.) Ибн Исҳоқ (ваф. 151/768 й.)нинг “ас-Сийра” номли асарига “ас-Сийра ан-набавия” номи остида мухтасар ёзгандан сўнг, “Сийрати набавия” жанри кенг тарқала бошлади<sup>11</sup>.

“Сияр” атамасининг халқаро муносабатларга далолат қилувчи истилоҳ сифатида қўлланилиши II/VIII асрдан бошланган. Фақиҳлар халқаро муносабатлар билан боғлиқ масалаларни сияр ёки сийрат ва мағозий тушунчалари билан ифодалашга ҳаракат қилганлар. Абу Ҳанифа (ваф.150/767 й.) “сияр” атамасини халқаро муносабатларни ифодаловчи тушунча сифатида фикҳ илмига киритган<sup>12</sup>. У уруш ва тинчлик ҳолатидаги фикҳий қоидалар ҳақида олиб борган дарслари мажмуасини “Сияр” деб атаган. Кейинчалик бу атама Абу Ҳанифанинг шогирдлари тарафидан кенг миқёсда қўлланила бошлаган. Бунинг самараси ўлароқ, Шайбонийнинг “ас-Сияр ас-сағир” ва “ас-Сияр ал-кабир” номли асарлари ёзилган.

Биринчи бобнинг учинчи параграфи “*Ислом ҳуқуқига оид асарларда халқаро муносабатларнинг илмий-назарий масалалари*” деб номланиб, унда фақиҳлар томонидан халқаро муносабатларга доир ёзилган асарлар таҳлил қилинган. Ислом ҳуқуқида халқаро муносабатларга доир дастлабки асарларда “сияр” ва “мағозий” истилоҳлари Расулуллоҳ (а.с.) ҳамда саркарда саҳобалар томонидан бошқарилган ҳарбий юришларни англатган. Олимлар мазкур ҳарбий юришлардан кўзланган шаръий асосларни ўрганишга алоҳида урғу берганлар. Баъзи олимлар фақат тарихий маълумотларни ўрганиш билан чекланган бўлса, бошқалари халқаро алоқаларга оид шаръий асосларни ёритиб берганлар. Бу эса, ўз навбатида, келажак авлоднинг қатор халқлар билан ўрнатадиган алоқаларини тизимлаштиришга замин яратган.

Ислом ҳуқуқида халқаро муносабатларга доир илк асар ёзган, шубҳасиз, Абу Ҳанифа ҳисобланса-да, Имом Шаъбий (ваф. 103/722 й.), Имом Авзоий (ваф. 157/774 й.), Суфён Саврий (ваф.161/778 й.) ва Фазорий (ваф. 186/802 й.) каби фақиҳлар ҳам бу мавзуга биринчилардан эътибор қаратганликларини таъкидлаб ўтиш лозим. Жумладан, Имом Шаъбий Куфа шаҳрида “Сияр” мавзусида дарслар ташкил қилган. Имом Авзоий мужтаҳид имомлардан бўлиб, давлатларо чегарага доир муносабатларнинг фикҳий жиҳатларига эътибор қаратган.

Фақиҳлар ўз асарларида халқаро муносабатларга тааллуқли бўлган “Китоб ас-сияр” номли алоҳида боб ёзганлар. Одатда, китобнинг бу бобида уруш ва тинчлик даврида турли миллат ва дин вакиллари билан ҳамкорлик қилишнинг фикҳий жиҳатлари ёритилган. Жумладан, ғазотлар, сийратлар, жиҳод, қўшинни жангга ҳозирлаш, сафларни тартибга келтириш, ўлжани тақсимлаш, муртадлик ҳукми каби фикҳий масалалар билан бир қаторда,

<sup>10</sup> Қаранг: Имом Шамсуддин Саховий. Ал-Иълан биттавбих лиман замма аҳли тарих. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, (нашр йили кўрсатилмаган), – Б.18.

<sup>11</sup> Қаранг: Ибн Ҳишом. Ас-Сийра ан-набавия. – Байрут: Дор ал-маърифат, (нашр йили кўрсатилмаган). Ж.1. – Б.3; Ливо Мустафо Таллос. Ар-Расул ал-арабий ва фанн ал-ҳарб. – Дамашк: Матобий ал-идора ас-сиясия, 1972. – Б. 57; Аҳмад Атиятуллоҳ. Ал-Қомус ал-исламий. – Қоҳира: Мактаба ан-наҳза, 1970. Ж.3. – Б. 595

<sup>12</sup> Қаранг: Имом Муҳаммад аш-Шофеъий. Ал-Умм. – Қоҳира: Мактабатул Усра, 2002. Ж.4. – Б. 202.

мусулмонларнинг ўзга дин вакиллари билан бўладиган алоқалари ҳам кенг ёритилган. Тадқиқотчи олимлар томонидан халқаро муносабатларга оид кўплаб асарлар ёзилган бўлса-да, бу борадаги энг муфассал манба Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний қаламига мансубдир. Шайбоний аввал “ас-Сияр ас-сағир” номли асар битади. Кейинроқ, умрининг охирида, ўзи ва устозларининг тажрибасига таянган ҳолда “ас-Сияр ас-кабир”ни ёзган.

Сияр илмининг ривожланишида мовароуннаҳрлик фақиҳларнинг ҳам роли бекиёс эканини фахр билан қайд этиш жоиз. Хусусан, Абул-Лайс Самарқандий, Абу Бакр Косоний, Бурҳонуддин Марғиноний, Муҳаммад ибн Маҳмуд Уструшаний, Шамсул-Аимма Ҳалвоний, Алоуддин Самарқандий каби фақиҳлар ўз асарларида мазкур илми янада ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшганлар. Улар сияр бўйича алоҳида китоб ёзмаган бўлсалар-да, фикҳ ва фатвога оид асарларида “Китоб ас-Сияр” сарлавҳаси остида мусулмонлар билан ғайридинлар ўртасидаги муносабатлар, жиҳод ва жанглар, “дорул ислом”да яшайдиган ғайридин(зиммий)ларнинг ҳуқуқлари каби масалаларни алоҳида бобларда батафсил ёритиб берганлар. Исломшунос олимлардан Муҳаммад Шариф Бухорий эса, сияр ва зиммийлар ҳуқуқига доир “Фавоиди ҳоқония”, яъни халқаро ҳуқуққа оид форс тилидаги асарини ёзган.

Умуман олганда, фақиҳлар томонидан битилган халқаро муносабатларга доир асарларда уруш ва тинчлик масалалари, уруш жараёнидаги инсонийлик жиҳатлари, сулҳ тузиш тартиби ва унинг шартлари, мусулмонлар билан зиммийлар ва ҳеч бир динга эътиқод қилмайдиганлар ўртасидаги муносабатлар, жизя ва унинг миқдори, ғайридинларнинг диний эътиқоди ва маросимлари, улар томонидан мусулмон юртларида жиноят содир этилса, жавобгарлик масалалари, мусулмонлар томонидан фатҳ этилган ерларнинг тақсимооти, асирларнинг ҳуқуқий мақоми, хорижий давлатлар билан элчилик алоқалари, элчининг дахлсизлиги каби масалалар ёритилган.

Диссертациянинг **“Муҳаммад Шайбоний асарларидаги халқаро муносабатларга доир тушунчалар талқини”** деб номланган иккинчи бобида Шайбоний асарларида халқаро муносабатларга доир масалаларнинг умумий тавсифи, халқаро муносабат иштирокчиларининг таснифи ҳамда фикҳий адабиётларда “давлат ҳудуди” тушунчаси ва унинг ўзига хос талқини очиб берилган.

Бобнинг биринчи параграфи *““Зоҳир ар-ривоя”да халқаро муносабатларга оид масалалар тавсифи”* деб номланиб, унда Шайбоний асарларида халқаро муносабатларнинг ёритилиши ҳамда бу борада айрим мулоҳазали масалалар таҳлил қилинган. Муҳаммад Шайбонийнинг “Зоҳир ар-ривоя” тўпламига кирувчи асарлари ханафий мазҳабида фикҳнинг асосий манбаларидан саналади. Ушбу тўпламга кирувчи асарларда халқаро муносабатлар ҳам атрофлича баён қилинган.

“Зоҳир ар-ривоя”даги энг катта асарлардан саналган “ал-Мабсут” ёки “ал-Асл”<sup>13</sup>да халқаро муносабатларга доир айрим фикҳий масалаларни ҳам

<sup>13</sup> Қаранг: Муҳаммад Шайбоний. Ал-Асл. – Байрут: Дор ибн Ҳазм, 2012. Ж.7. – Б.267

учратиш мумкин. Жумладан, “дорул ҳарб”га мансуб бўлган шахснинг ислом диёрига кириши ва хавфсизлик бўйича омонлик олиши, зиммий, яъни ўзга дин вакилларининг гувоҳлиги, улар содир этган жинояти учун жавобгарлик масаласи, мусулмоннинг “дорул ҳарб” ҳудудида савдо қилиши, мазкур ҳудудда жиноят содир этгани учун жавобгарлик масалалари ўрин олган. Шундай бўлса-да, бу масалалар, кўпинча, савдо, жиноят, гувоҳлик каби умумий фикҳий бобларда баён этиб кетилган. Шу сабабли ҳам фақиҳлар томонидан “ал-Асл” халқаро муносабатларга доир китоб сифатида эмас, балки умумий фикҳга доир энг мўтабар асарлардан деб эътироф этилган.

Муҳаммад Шайбоний тинчлик ва уруш шароитида мусулмонларнинг ўзга дин вакиллари билан олиб борадиган муносабатлари ҳақида ўзининг “ас-Сияр ас-сағир”<sup>14</sup> ва “ас-Сияр ал-кабир” асарларини ёзган. “Ас-Сияр ал-кабир” асари мовароуннаҳрлик Муҳаммад Сарахсийнинг (ваф. 483/1090 й.) “Шарҳ ас-сияр ал-кабир” китоби орқали бугунгача етиб келган<sup>15</sup>. “Ас-Сияр ас-сағир” асари “ас-Сияр ал-кабир” дан олдин ёзилган бўлиб, унда тинчлик ва уруш ҳолатларида мусулмонлар ва ўзга дин вакиллари ўртасидаги муносабатлар, ғайридинлар ҳуқуқларининг ислом юртлари ва унинг ташқарисида муҳофаза қилиниши, элчилар дахлсизлиги, сулҳ ва шартномалар, асирлар ва ҳарбий жиноятчилар, ўлжалар тақсмоти ва бошқа нозик масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилган. Асарда кўриб чиқилган ва тақлиф этилган ечимлар Муҳаммад Шайбонийдан саккиз аср ўтибгина, ғарб ҳуқуқшунослари томонидан ўрганила бошланди.

“Ас-Сияр ал-кабир”да халқаро муносабатларнинг ўрганиш объекти бўлган нейтрал ҳудудлар ва улар билан муносабатларни аниқлаш, бетарафлик ҳолатини тартибга солиш бўйича шартномалар, элчилар билан боғлиқ қоидалар каби халқаро экспертлар ва ҳуқуқшунос олимлар томонидан муҳокама қилинаётган бошқа масалалар ҳам баён қилинган. Мазкур асар Имом Муҳаммаднинг бошқа барча китоблари қатори, халқаро муносабатлар ва ундаги фикҳий қоидаларни ўрганиш учун асосий манба бўлади. Ушбу асар унда кўтарилган масалаларнинг долзарблиги ва тақдим этилган ечимларнинг аниқлиги билан кўплаб олимлар томонидан мақтовга сазовор бўлган.

*“Муҳаммад Шайбоний асарларида халқаро муносабатлар иштирокчиларининг таснифланиши”* деб номланган иккинчи параграфда халқаро муносабатларнинг асосий иштирокчиларидан саналган “аҳоли” тушунчасининг ислом ҳуқуқидаги талқини баён этилган. Хусусан, “ас-Сияр ал-кабир”да баён этилган “зиммийлик” тушунчаси, ислом ҳуқуқида зиммийларга белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлар, зиммийлик мақомини олишга ҳақдор бўлган тоифалар, зиммийлар билан тинчлик йўлида ҳамкорлик қилишга доир муҳим масалалар атрофлича ёритиб берилган. Исломи ҳуқуқида зиммийларга қатор ҳуқуқ ва эркинликлар тақдим этилган. Уларнинг фикр, эътиқод эркинлиги таъминланган, мол-мулки ва жони ҳимоя

<sup>14</sup> Қаранг: Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний. Китоб ас-сияр ас-сағир – Исломобод: Мажмуа ал-бухус ал-исламия, 1998. – 30 б.

<sup>15</sup> Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий. Шарҳ ас-сияр ал-кабир. 1-5 -жуз.– Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1997. – 1472 б.

қилинган. Шунингдек, мусулмонлар учун вожиб бўлган айрим мажбуриятлар уларга юклатилмаган. Хусусан, зиммийларнинг мол-мулки ҳар қанча кўп бўлмасин, улар закот тўлашдан, душманга қарши ҳарбий сафарбарликдан озод ҳисобланган.

Зиммийларга нисбатан белгиланган жизя солиғи уларни таҳқирлаш учун жорий этилмаган. У ҳар бир ғайридинга мажбурий ҳам эмас, балки қодир кишилардан маълум миқдорда олинадиган тўлов бўлган. Жизя эвазига мусулмонлар ўзга дин вакиллари ҳар қандай душман хавфидан ҳимоя қилган ҳамда мол-мулки ва оила аъзоларининг ҳимоясини ўз зиммаларига олишган<sup>16</sup>. Бундан ташқари, зиммийларнинг ижтимоий таъминот олиши ҳамда кексайганда ва меҳнатга лаёқатсиз бўлганда нафақа билан таъминланиши белгиланган. Агар мусулмонлар ўз зиммаларидаги мажбуриятларни бажара олмасалар, зиммийлардан олинган жизяларни қайтаришга мажбур бўлганлар. Бу қоидалар, албатта, жамиятда турли дин вакиллари ўртасида соғлом ижтимоий муҳитнинг қарор топишига сабаб бўлган.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфи “*Олимнинг ҳудуд ва чегара тушунчасини ёритишидаги услуби*” деб номланиб, унда Муҳаммад Шайбоний асарларида давлат ҳудуди билан боғлиқ фикҳий масалалар ёритилган. Ислом ҳуқуқида ёритилган ушбу масалалар Пайғамбар (а.с.) ёки саҳобийлар даврида эмас, балки кейинги давр фақиҳлари томонидан II/VIII асрда ишлаб чиқилган. Қолаверса, ислом ҳуқуқида ҳудуд масаласида аниқ бир оят ёки ҳадис бўлмагани сабабли мазкур атамаларга нисбатан уламоларнинг ёндашувлари ҳам турлича бўлган.

Фикҳий асарларда дунёнинг ҳудудлари давлатчилик нуқтаи назардан икки хил диёр (дор\*)га ажратиб ўрганилган. Унга кўра:

биринчиси, мусулмонлар учун хавфсиз бўлган ва ислом қоидалари устунлиги таъминланган “дорул ислом” – ислом диёри;

иккинчиси, мусулмонлар ҳаётига хавф-хатар бўлган ва ислом таълимотларини поймол қилувчи “дорул ҳарб” – уруш диёри<sup>17</sup>. Илгари мусулмон мамлакатлари хорижий давлатлар билан олиб борадиган халқаро алоқаларида ушбу таснифни ҳисобга олган ва “дорул ҳарб” ўлкалари душман сифатида кўрилган.

Муҳаммад Шайбонийнинг ислом ҳуқуқи халқаро муносабатлари ривожига муҳим ҳиссаларидан бири давлатларнинг эътиқодий қарашларидан қатъи назар, улар билан тинчлик муносабатига киришиш йўллари кўрсатиб бергани билан боғлиқ. Шайбоний ислом ҳуқуқининг ҳудудга оид қоидаларини янада кенгайтирди. У ўз асарларида “дорул аҳд”

---

<sup>16</sup> Қаранг: Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий. Шарҳ ас-сияр ал-кабир. Ж. 5. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1997. – Б. 287.

\* Ислом ҳуқуқида “дор” тушунаси замонавий ҳуқуқда ва халқаро муносабатлардаги давлат элементини ташкил этувчи ҳудудга нисбатан ишлатилган.

<sup>17</sup> Қаранг: Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий. Шарҳ ас-сияр ал-кабир. Ж. 1. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1997. – Б. 90.

деган тушунча назариясини асослаган илк фақиҳ ҳисобланади<sup>18</sup>. Муҳаммад Шайбонийга кўра, мусулмонлар билан тинчлик асосида яшаш бўйича шартнома тузган “дорул ҳарб” мамлакатларининг ҳудудлари “дорул аҳд”га айланади. Бу тушунчанинг амалиётга татбиқ этилиши турли дин ҳамда миллатлар ўртасида тинчлик ва ҳамжиҳатликнинг қарор топишида муҳим аҳамият касб этган.

Диссертациянинг **“Олимнинг дипломатик муносабатларда тинчликни асраш борасидаги қарашларининг аҳамияти”** деб номланган учинчи бобида илк ислом тарихида дипломатик муносабатларнинг ривожланишида Муҳаммад Шайбоний асарларининг ўрни, “ас-Сияр ал-кабир”да уруш ва тинчлик билан боғлиқ қоидалар ва уларнинг талқини очиб берилган.

